O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 23 ноябрь, № 228 (4127) Пайшанба

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

«Ишонч» маҳсулотларига хорижликлар харидор

Фурқат туманидаги "Ишонч" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида тўқимачилик корхоналари учун юқори сифатли калава ип ишлаб чиқарилмоқда. Айни вақтда бу ерда минг нафар киши иш билан таъминланган.

Жамиятнинг экспорт бўлими бошлиғи Муҳаммаджон Тешабоевнинг айтишича, маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизига Туркия, Россия, Жанубий Корея ҳамда Португалия давлатларидан буюртмалар келиб тушмоқда. Масалан, биргина жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида айнан ана шу мамлакатларга 1 миллион 895 минг АҚШ долларилик калава ип экспорт қилинди. Бундай натижага Германиянинг замонавий техника ва технологиялари кучидан унумли фойдаланилаётгани боис эришилмоқда.

***СУРАТДА:** корхона ишчиси Машрабхон Рустамова.*

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

21–22 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

"Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзолигига тикланиши ҳақидаги Баённомани (Сочи, 2006 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун депутатларга Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси М.Тешабоев тақдим этди. Савол-жавоблардан кейин ҳужжатнинг батафсил муҳокамаси бўлиб ўтди, унда барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Қонунчилик палатаси киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Собиржонов "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси чоғида депутатлар ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш учун солиқ қонунчилигини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Бўлиб ўтган муҳокамадан кейин Қонун қабул қилинди.

"Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси А.Рустамов томонидан тақдим этилди. Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган мазкур ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамаси чоғида қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қонунчилик палатаси киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Комилов "Ипотека тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Бўлиб ўтган моддама-модда муҳокама чоғида депутатлар мазкур ҳужжатни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритдилар. Бу таклифлар ҳисобга олинган ҳолда Қонун қабул қилинди.

"Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241[1]-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тўғрисида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов маъруза қилди. Савол-жавоблар ва моддама-модда муҳокамадан кейин депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси М.Махаметова "Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида депутатларга ахборот берди. Бўлиб ўтган муҳокама чоғида депутатлар ҳужжатни такомиллаштириш юзасидан ўз фикрларини баён қилдилар. Киритилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда Қонун қабул қилинди.

"Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Раҳимов тақдим этди. Моддама-модда муҳокамадан кейин депутатлар киритилган таклифлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тўғрисида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Жумаев ахборот берди. Барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари қатнашган муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси П.Жўраевнинг тақдимига биноан "Бюджет тизими тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини муҳокама қилиб ва маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси С.Маҳмудов ахборот берди. Савол-жавоблар ва мазкур ҳужжат асосий қоидаларининг атрофлича муҳокамасидан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси М.Маҳкамов тақдим этди. Савол-жавоблар ва бўлиб ўтган муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси мазкур қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

(ЎзА).

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

Айнан мана шу фикр Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаларига муносабат билдираётган аксарият хорижий оммавий ахборот воситалари, сиёсатчилар ва таҳлилчиларнинг шарҳларида кузатиш мумкин.

Хусусан, **Европада истиқбол ва хавфсизлик институти бош котиби Э.Депуининг (Франция)** таъкидлашича, икки палатали парламент ташкил этилиши Ўзбекистондаги демократия шаклланишида муҳим воқеа бўлди. Бу эса мамлакат учун ҳам ички, ҳам ташқи масалаларни профессионал даражада ҳал этиш имконини яратди.

— Президент томонидан таклиф этилган қонунлар лойиҳалари Ўзбекистонда жадаллашиб бораётган эркинлаштириш жараёнининг энг муҳим жиҳатига айланади, — деди франциялик мутахассис. — Мамлакатда шаклланиб улгурган сиёсий партиялар парламентда самарали фаолият юрита бошлади. Ўзбекистон етакчиси томонидан илгари сурилган қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатда фуқаролик жамиятини барпо этишда улкан аҳамият касб этади ҳамда сиёсий партиялар халқ иродасини янада самаралироқ ифода этишига хизмат қилади.

Россия Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институти директори, РФА академиги Руслан Гринберг:

— Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган сиёсий партиялар ролини кучайтириш ҳамда Конституциянинг айрим моддаларига ўзгариш киритиш тўғрисидаги қонунлар мамлакат раҳбариятининг тарихий шаклланган ўзбек жамиятида демократия институтлари ва тартиботларини тузиш борасидаги тизимли фаолиятидан далолат беради. Менда айрим хорижий сиёсатчиларнинг жамият ва иқтисодиётни ўзи гўёки сехрли тарзда мувофиқлаштириб қўядиган чегарасиз демократия ва либерализм тўғрисидаги қатъий "маслаҳатлари" доимо таажжуб уйғотган. Бу каби маслаҳатларга риоя қилиш амалда анархия ва қашшоқликка олиб боради. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон раҳбариятининг бу масалага нисбатан "сих ҳам, кабоб ҳам қуймайдиган" тарздаги ёндошуви ҳар томонлама қўллаб-қувватланса арзийди.

Австрия Конституциявий суди департаментининг бошлиғи Р.Хуппман фикрича, Ўзбекистон демократлаштириш жараёнида муҳим қадам ташлади.

— Европадаги кўпчилик мамлакатларнинг конституциясида "мухолифат партияси", деган тушунчанинг ўзи йўқ. Янги қонун кўп партиявийликни фаоллаштириш, ёш авлод орасидан янги сиёсий етакчиларни илгари суриш имконини беради. Эътиборга молик жиҳати шундаки, қонун Президентнинг айрим ваколатларини парламентга ўтказишга йўналтирилган. Бу эса посангининг паллаларини тенг ушлаб туришнинг ишончли воситаларини яратишга, жамиятдаги барқарорликни таъминлашга, аҳолининг кенг қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга хизмат қилади, — деди австриялик юрист.

Индонезияда инглиз тилида чоп этиладиган "The Jakarta Post" газетасининг халқаро сиёсат бўлими шарҳловчиси Анжай Фил Ўзбекистон Президенти томонидан таклиф этилаётган қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатдаги демократлаштириш жараёнларининг янги босқичини бошлаб беришига эътибор қаратди.

Журналистнинг фикрича, мамлакат парламентида сиёсий партиялар фракцияларининг ташкил этилиши ижро ҳокимияти ҳаракатлари сиёсий қарорлар қабул қилиниши масалалари юзасидан турли фикрларига таянадиган сиёсий партияларнинг манфаатлари призмаси орқали баҳоланадиган янги сиёсий механизмни ишлаб чиқиш имконини беради.

— Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ролининг кучайиши энг муҳим ижтимоий масалалар юзасидан қарорлар ишлаб чиқишда мамлакат аҳолисининг барча қатламлари манфаатлари инобатга олиниши учун қулай шароит яратади, — деди А.Фил.

Араб университетлари иттифоқи бош котиби Солиҳ Ҳошимнинг айтишича, сиёсий партиялар аҳолининг фикри ва иродасини изҳор этиш, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш, уларнинг давлат бошқаруви органларини шакллантириш жараёнида кенг иштирок этишини таъминлашнинг энг муҳим воситасидир.

— Сиёсий партиялар ролининг юксалиши давлат-ҳуқуқий тизимини янада демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш учун туртки бўлиб хизмат қилади — деди Солиҳ Ҳошим. — Яқинда Ўзбекистонга амалга оширган сафарим чоғида мен демократлаштириш ва либераллаштириш жараёни билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлиб, мамлакат тўғри тараққиёт йўлини танлаганига ишонч ҳосил қилдим. Президент томонидан таклиф этилган қонунлар лойиҳаларининг Олий Мажлис томонидан тасдиқланиши мамлакатда бошланган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг мантиқий давоми ҳамда мамлакат кучли давлатдан кучли жамият сари ўтишининг самараси бўлади.

"Жаҳон" АА.

КУВАЙТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МАМЛАКАТИМИЗДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Кувайт давлати алоқа вазири Маъсума Солиҳ ал-Муборак хоним раҳбарлигидаги делегация 22 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари Фарруҳа Муҳитдинова билан учрашди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги алоқалар кун сайин ривожланиб бораётгани ва бунда Президент Ислом Каримовнинг 2004 йил 19-20 январь кунлари Кувайтга расмий ташрифи асосида эришилган келишувлар муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашди.

(ЎзА).

ТУТАШ СОҲИЛЛАР

Маърифат соати

Ҳамкасбларидан бири Мамараим Бойқуловдан миллий ғоя ҳақида сўраб қолди. Кўзимга бу мавҳум нарса бўлиб кўринади. Уни қандай тарғиб қилиш мумкинлигига тушунмайман, деди.

Бойқуловнинг ёши олтмиштдан ошган бўлсаям, катта-катта кўзлари порлаб ёниб турганга ўхшайди. Ўзи хушлаган одамга бу кўзлар шавқи тошиб кулиб қараётгандай, ҳамсуҳбатига рағбат, куч-қувват улашаётгандай бўлади. «Кўзингизда сеҳр, гипноз бор сизнинг, — деган унга Фолкин исмли санъатшунос тоғаси. — Қора кўзойнагингизни кўзингиздан олмай гапирсангиз ҳам, гапингизга ҳар қандай дийдаси қаттиқ одамни бир сўз билан ишонтира оласиз. Сайлов пайти, масалан, депутатликка фалончи лойиқ деб битта луқма ташланг, эртаси куни ҳамма унга овоз беради».

Бунақа мақтовларни Бойқулов эшитмайди. Лекин ғоя нима ўзи деб хаёли паришон турганларнинг елкасидан маҳкам тутади. Ғоя, унинг талқинича, қоронғи кечанинг чироғи. Ёки нотаниш йўлдаги манзил кўрсатгичи. Ғоя — юракнинг, қалбнинг иш, кураш қуроли. Кишининг одамсифат, фуқаросифат, қариндошу ватандош сифат яшаш дастури. Ғоя шу дастуру шу кўрсаткичларни қуруқ тушуниш эмас, уларга садоқатингни сафарбар қилмоғинг дегани.

Бойқулов ана шундай одам: орзуларига, ниятларига, Шеробод шаҳри ўртасидаги бундан эллик йиллар аввал қурилган одмигина уйи, жўжабирдай хонадони, ичимлик суви шўртанг шаҳри, шаҳарнинг барча одамлари, ўзи директорлик қилаётган тўрт юз кишилик мактаби манфаатларига ўзини хизматкор чоғлайди.

Қандай қилиб дейсизми? Эшитинг.

Қаранг, олтинчи синфда ўтказган машғулотларининг бирида ярим ҳазил, ярим чин қилиб, юзта шеърни ёдлаган бола шоир бўлади, деган гапни айтиб қўювди. Энди денг шу синфдан ўнтаси бошқа кўпгина машғулотларни йиғиштириб қўйиб, шеър мутолаасию адабиёт китобларига шўнғиб кетмайдими. Муҳриддин Орипов деганнинг отаонаси бу ҳолатдан паришон бўлиб, ҳатто Бойқуловга арзга келди. Ўрик шарбати сотишни унутиб қўйиб ўғлимиз кеча-кундуз пичирлагани пичирлаган — шеър ўқийди. Биз уни ахир буғолтирликка ўқитамиз деб турувдик-ку, деди.

Билсаларки, бир ойнинг ичида Муҳриддин бир китоб шеърни хотирига жойлабди. Алишер Навоийни ўқиб бошлабди. Навоийнинг, *Тилармен топмағайлар тўтиёлиқа ғуборимни* деган мисрасига устозидан тавсир сўраб турибди.

Болакайнинг тиришқоқлиги туртки бўлиб, Бойқулов ҳафтанинг ҳар душанба куни мактаб бўйича тил ва адабиёт куни деб эълон қилди. Ўша куни дарс бошланишидан олдин бутун жамоа анжуманга йиғилди. Анжуман навоийхонлик билан бошланади. Анжуманда фаоллик кўрсатганлар рағбатлантирилади. Ўша куни дарсдан сўнг тил-адабиёт тўгараги эшикларини очиб қўяди. Тўгарак фавқулодда туғиладиган саволлар, муаммолар ечими билан шуғулланади. Биров, масалан, шероблик ижодкорлар, рассомлар, кулоллар ҳаётини гапирса, яна биров «Мен — ўқувчиман» деган гапнинг грамматикасини таҳлил қилади.

Буғолтир ё тарихчи, ё кимёгар, ё спортчи бўламан деганларнинг ниятлари ҳам ҳисобга олинди. Чоршанба куни, масалан, аниқ фанлар куни деб белгиланган бўлса, яна бир кун спортга ё меҳнат таълимига бағишланди. Шундай қилиб, ўнтага яқин тўгарак шаклланди. Шундай қилиб, ўқувчидан тортиб ўқитувчи — ҳамма учун эртадан то кечга қадар иш қўпайиб қолди. Шундай қилиб, гўё миллатга, Ватанга тааллуқли шиорлар, чақириқлар қалбларнинг қўрларига айлана борди.

Бойқулов яқинда навбатдаги китобини ёзиб тугатди. Бу гал у Шерободнинг 1-умумий таълим мактаби тарихини ёзди. Бу чиндан ҳам китоб қилса арзигулик тарих. Мактаб 1924 йилда очилган. Бухорои Шариф, Мозори Шариф мадрасаларида таҳсил олган домлалар шу мактабда болаларга дунёвий илмлардан, яна қарангки, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Улуғбек, Термизийлар қолдирган нодир меросларидан сабоқ ўқитганлар. Раҳмон

(Давоми 2-бетда).

«Обуна — 2007»

ВАҚТ – ПУЛ,

АХБОРОТ – ХАЗИНА

Бир йил мобайнида "Халқ сўзи" газетасида 10-12 МИНГТА ахборот берилар экан. Шунча янгликдан воқиф бўлган газетхон нафақат маънавий, айни пайтда моддий жиҳатдан ҳам бой бўлиш имконига эга.

Модомики, ўтган фурсатни қайтаришнинг иложи йўқ экан, дам ғаниматингда "Халқ сўзи"га обунани тезроқ расмийлаштириб қўйганингиз маъқул. Газетани ҳар куни сотиб олгандан кўра, иш жойингизга ёки хонадонингизга ёзилсангиз, ҳам вақтдан, ҳам пулдан ютасиз.

Нашр индексимиз — 229

Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси олдидан

АМАЛИЙ ИШЛАР САМАРАСИ

Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси арафасида юқори палата қўмиталари ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларини сарҳисоб қилишмоқда. Куни кеча Сенат Кенгашининг мажлисида юқори палата Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2005 йилдаги ва 2006 йилнинг 10 ойи мобайнидаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Шу боис мухбиримиз мазкур қўмита аъзоси Ботир АБДУРАИМОВга мурожаат қилиб, қўмитанинг ўтган вақт ичидаги фаолияти хусусида қисқача сўзлаб беришини сўради.

— Қўмита Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдаги мақсад ва вазифалари юзасидан дастур тўғрисида"ги Қарорининг ижросини таъминлашни кўзда тутувчи тадбирларни ўз ичига олган иш режаси бўйича қатор тадбирларни амалга оширди, — дея гап бошлади Ботир Тўраевич. — Шунингдек, қўмитамиз юқори палатанинг Ташқи сиёсат масалалари ва Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари билан биргаликда ШҲТ, Евросиё иқтисодий ҳамжамияти ташкилоти билан мамлакатимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш, шу масалага оид қарорлар ижросини таъминлаш, халқаро терроризм ва экстремизм, сепаратизм, наркотрафик каби замонавий таҳдидларга қарши курашни кучайтиришда сенаторлар иштирокини таъминлаш, давлатлараро тузиладиган ишчи гуруҳларда мамлакатимиз парламенти иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратди. Айтиш мумкинки, ўтган вақт ичида белгиланган режага асосан қўмита тўртта назорат-таҳлил фаолияти ва ўн учта тадбир амалга оширди.

Яна қўмита Президентимизнинг "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдаги мақсад ва вазифалари юзасидан дастур тўғрисида"ги Қарорида кўрсатиб берилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш концепциясида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини ишлаб чиқди. Бунда Сенатнинг ҳудудий вакиллик органи эканлигидан келиб чиққан ҳолда ҳудудлар ва умумдавлат манфаатларининг мутаносиблигига эришиш юзасидан қўмита фаолиятини юритиш бўйича бир қанча таклифлар билдирилди.

— Қўмитада қонунчилик фаолияти борасида қандай ишлар қилинмоқда?

— Қўмита қонунчилик фаолияти юзасидан Қонунчилик палатаси қабул қилиб, Сенатга маъқуллаш учун юборган "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун, "Мудофаа тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун ва "Экспорт назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун юзасидан сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтидан ҳамда Мудофаа вазирлигидан мутахассислар жалб этилиб, мутахассислар фикрлари ўрганилди. Шулардан битта қонунни рад этиш ҳақида, иккита қонунни маъқуллаш ҳақида хулосалар тайёрлади. Яъни, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунга ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Қонун Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга маъқуллаш учун тақдим этилган эди. Лекин мазкур қонун ҳужжатларида ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғланиши, яхлитлиги ва уйғунлиги таъминланмаганлиги сабабли рад этиш ҳақида хулоса тайёрланиб, Сенат муҳокамасига киритилди ва сенаторлар томонидан маъқулланди. Шунингдек, қўмита иккита қонун юзасидан маъқуллаш тўғрисида ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти" лойиҳаси устида иш олиб борди ва юқори палатанинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилиб, сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан бирга, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга маъқуллаш учун юборилган ўттиздан ортиқ қонунлар ва уларга оид ҳужжатлар қўмита томонидан ўрганиб чиқилди ҳамда тегишли қўмиталарга фикрлар билдирилди.

— Шу ўринда қўмитанинг назорат фаолияти тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Қўмита назорат фаолиятида парламент назоратининг таъсирчанлигини ошириш, қонун талабларининг бажарилмаслиги, қонун нормаларига амал қилинмаётганлиги сабабларини аниқлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасидаги бўшлиқ ва заиф нуқталарни топиш ва зарур чоралар кўриш, қонунларнинг ижроси юзасидан мутасадди вазирлик ва идораларнинг фаолиятини қонун нормаларига мувофиқлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни ўзининг муҳим вазифаси ҳисоблайди.

Бунда қўмита Олий Мажлиснинг "Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида"ги Қарори, "Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонун, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмининг жанговар байроғи тўғрисида"ги ва "Миллий хавфсизлик кенгашини тузиш тўғрисида"ги фармонлари ва бошқа қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг терроризм, диний экстремизм ва наркотажовуздан муҳофаза қилиш ҳамда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва профессионал армияни шакллантиришга эътиборини қаратди.

Жумладан, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуннинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги ижроси ўрганилди ва қўмитанинг Термизда бўлиб ўтган сайёр мажлисида муҳокама қилинди. Қўмитанинг сайёр мажлисида минтақаларда фаолият юритаётган сенаторлар, вилоят ҳокимлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва бошқа манфаатдор ташкилот ва идоралар вакилларининг иштироки таъминланди. Унда фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича ҳар иккала вилоятда бир қатор ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди. Шу билан бирга, ушбу ҳудудларда қонуннинг айрим моддалари талаблари бузилаётганлиги аниқланди ва ушбу камчиликларни дарҳол бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Шу билан бирга, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги Қонунинг Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегаралари ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан ижро этилиши ўрганиб чиқилди ва Фарғона шаҳрида қўмитамизнинг халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг қўшма мажлисида муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Бундан ташқари, қўмита томонидан назорат фаолияти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг тизимига кирувчи идораларда "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунларнинг резервдаги ва захирадаги офицерлар тайёрлашга доир қисмининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув юртларида ижро этилиши ўрганилди ва қўмита мажлисида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ҳамда ижро учун мутасадди ташкилотларга юборилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳисобот даврида қўмита томонидан 13 та турли семинар, конференция ва давра суҳбатлари ўтказилди. Ушбу тадбирларда қўмита томонидан назорат фаолиятини амалга ошириш, назорат фаолияти натижаларини кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш масалалари кўрилган.

— Ўқув юртлари ҳақида гапирдингиз. Қўмита ёшларимизнинг ватанпарварлик руҳида, баркамол вояга етишлари учун қандай ишларни амалга оширди?

— Албатта, ёшлар билан ишлаш, уларга ҳар томонама кўмаклашиш шу юртда яшовчи ҳар бир инсоннинг шарафли вазифасидир. Қўмита аъзолари ҳам бу йўналишга алоҳида эътибор қаратадилар. Жумладан, қўмитамиз "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда мамлакатимиз олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талаба ёшлар ҳамда ҳарбий билим юртлари курсантлари билан "Армия ва ёшлар" мавзуида, Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат — ҳарбий хизматнинг алоҳида тури", "Фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашнинг ҳуқуқий асослари: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари" ва бошқа мавзуиларда қатор тадбирлар ўтказди.

Ўтказилган давра суҳбати, семинар ва конференцияларда кўриб чиқилган масалалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифларни инобатга олиб, тегишли вазирликлар ва идораларга қўмита томонидан тайёрланган тавсиялар юборилди. Таъкидлаш лозимки, биз келажакда ҳам ана шундай тадбирларни мунтазам ўтказишни режалаштирдик.

«Халқ сўзи» мухбири Салим ДОНИЁРОВ суҳбатлашди.

Конституция — тақдиримизда

Халқимиз хоҳиш-иродасининг ёрқин ифодаси бўлмиш Конституциямизнинг қабул қилинганига саноқли кунлардан сўнг ўн тўрт йил тўлади. Асосий қонунимиз ўтган давр мобайнида янги демократик ўзбек давлатчилигини шакллантириш ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини қарор топтириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг қонуний замини бўлиб хизмат қилмоқда.

БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Конституция, энг аввало, дунё сиёсий харитасида янги суверен демократик давлат — Ўзбекистон Республикаси қарор топганлигини қонунлаштирганлиги билан эътиборлидир. У олий даражадаги қонун сифатида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумимизни, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлигини, маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб берди.

Конституциямизда битиб қўйилганидек, Ўзбекистон — демократик давлатдир. Давлатнинг демократиклиги, аввало, унинг халқпарварлиги таъминланишида, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишида, мафкуравий ва сиёсий хурфикрлигида, фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришида аксини топади. Асосий қонунимизда халқимизнинг руҳи, ижтимоий онги ва маданияти акс эттирилиши билан бирга, умуминсоний қадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг устунлиги эътироф этилган. Чунки ҳар қандай давлатнинг ўз ташқи сиёсатини норматив тартибга солишида миллий ҳуқуқий нормалар билан бирга, халқаро ҳуқуқ нормалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Давлатнинг олиб бораётган ташқи сиёсати, дипломатия ва давлатлараро мулоқотлари умумэътироф этилган халқаро ҳуқуққа зид бўлмаслиги керак.

Тарихдан бизга маълумки, мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият ва давлат бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Ўзбекистон ҳам ўзининг истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодига ўтиш режасини ишлаб чиқди. Миллий хусусиятлар ва анъаналар инобатга олинган ҳолда адолатли демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш, бозор муносабатларига ўтиш, мустақил давлат манфаатлари устуворлигига ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатнинг аниқ принциплари ва йўналишлари белгилаб олинди.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси айни шу эзгу мақсадларнинг ҳуқуқий кафолатидир. Шу маънода Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради, лўнда қилиб айтадиган бўлсак, халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир.

Агар собиқ совет тузуми давридаги конституцияларда давлат ва жамиятнинг манфаати фуқаро манфаатларидан устун қўйилган бўлса, мамлакатимизнинг бу Конституциясида ҳурмат ва эъзозлаш ҳамда қадриятлар тизими инсон фойдасига ўзгарди ва мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий ҳаётида инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари устувор мавқега эга бўлди.

Конституция инсоннинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларига олий юридик мақом бахш этди. Давлат ҳокимияти ўз фаолиятини шундай ташкил этиши режалаштирилганки, унга кўра, инсон давлат механизмининг фаол иштирокчиси, жамиятнинг эзгу тилаги ва олий қадриятидир. Лўнда қилиб айтганда, Конституциямизда инсон ҳуқуқлари устуворлиги принципи ёрқин ўз ифодасини топган бўлиб, у инсон манфаатларига хизмат қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Конституциямизда миллий менталитетимиз инобатга олиниб, инсон талқинига ва қадр-қимматига ўзбекона, шарқона ёндашилган. Унинг 13-моддасида инсон қадри қуйидагича ўз ифодасини топган: "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади». 19-моддасида эса, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги таъкидланган. Ана шу талабнинг ижроси сифатида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 2005 йил 8 августда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди. Унга кўра, 2008 йил 1 январдан бошлаб эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга суд санкция беради. Бу жараён томонларнинг фикрлари тўла баён этилиши таъминланган ҳолда амалга оширилади. Яъни судда гумон қилинаётган шахсга ўзини ҳимоя қилишга барча шароитлар яратилади.

Конституциямизнинг 24-моддасида эса "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир", дейилган. Ҳақиқатдан ҳам, ҳаёт инсонга Аллоҳ таоло томонидан бахшида этилган энг буюк неъматлардан биридир. Ундан маҳрум этиш эса инсонпарварликка зиддир. Шунинг учун ҳам Юртбошимизнинг 2005 йил 1 августида "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги фармони қабул қилиниб, унга кўра, 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо сифатида ўлим жазоси бекор қилинади. Унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони ҳам инсоннинг яшаш ҳуқуқини эълон қилувчи умумэътироф этилган халқаро тамойиллар ва меъёрлардан келиб чиққан Асосий қонунимизнинг 24-, 25-моддалари талабларига тўлиқ мос келади.

Конституциямизда фуқароларга берилган ҳуқуқлар қаторида сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи муҳим ўрин тутади. Унинг 29-моддасида "Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга"лиги алоҳида мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, бу модда ўзининг қуйидагича мантиқий давомига эга: "Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир". Асосий қонунимиз мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида урушни тарғиб қилганлик учун (150-моддасида), мавжуд конституциявий тузумни ўзгартиришга даъват этганлик учун (159-моддасида) жиноий жавобгарлик белгиланган.

Маълумки, мамлакатимизда маънавият, маърифат, миллий мафкура ва ҳуқуқий маданият масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, "фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат».

Конституциямизнинг мазмуни ва моҳияти, маънавият ва маърифат масалалари, миллий истиқлол мафкураси ғоялари билан ҳамоҳанглигини алоҳида эътироф этиш лозим. Маънавият ва маърифат ҳамда миллий мафкура ғояси масалалари давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътиборида бўлиб, 2006 йил 25 августда "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарорга имзо чекди. Ушбу қарордан асосий мақсад мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини янада оширишдир.

Маълумки, XXI аср ахборот ва технологиялар асри деган номга эга бўлиб, ер юзидаги бутун инсоният маънавий ва мафкуравий курашларга дуч келмоқда. Ана шундай таҳликали даврда мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигига раҳна соладиган ёт мафкуравий қарашлардан халқимизни, айниқса, ёшларимизни асраш ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун долзарб вазифа ҳисобланади.

Ана шундай тадбирларни ўтказиш, кенг омма ўртасида маънавий ва мафкуравий ҳамда тарбиявий ишларни олиб бориш ҳам жаҳон андозалари асосида яратилган Республикамиз Конституцияси қоидаларига тўлиқ мос келади.

Ҳуллас, жамиятимиз ҳаётининг қайси жабҳасини олмайлик, Конституциямиз дастуруламал бўлмоқда. Ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш мамлакатимиз Конституциясининг асосий мақсади бўлиб, мустақил давлатимизнинг буюк келажак сари интилишининг ҳуқуқий асосидир.

Абдуғафур САТТОРОВ, юридик фанлар доктори.

Мардлар қўриқлайди Ватанни!

АСКАРЛАР ҚАСАМЁД ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатни ҳимоялаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги белгилаб қўйилган. Айни кунларда жойларда Ватан ҳимоячилари сафига қўшилган аскарларнинг қасамёд қабул қилиш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Шундай маросимлардан бири Хивада жойлашган ҳарбий қисмда ҳам ташкил этилди.

Ҳарбийлар, ота-оналар ва фахрийлар иштирок этган ушбу тантанали маросимда қисм командири, майор Икром Ҳожиев Президент Ислом Каримов ташаббуси билан соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини, армия ёшларимизни маънан ва жисмонан камолга етказадиган ўзига хос ҳаёт мактабига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

— Йигитлар бир ой давомида бошланғич ҳарбий билим ва кўникмага эга бўлди, — дейди капитан Суннатилла Хушбоқов. — Азизбек Қурбонов, Темур Мамадаминов, Артур Яхин каби ёш аскарлар, айниқса, машқларда ўзларининг нималарга қодирлигини амалда кўрсатдилар.

Ҳарбий қисмга ташриф буюрган ота-оналар, жамоатчилик вакиллари, аскарлар ҳаёти билан яқиндан танишдилар.

СУРАТЛАРДА: қасамёд қабул қилиш маросимидан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

ТУТАШ СОҲИЛЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хўжамбердиев, Усмон Ҳидоятов, Гуссам Бекпўлатов деган домлалар мактабга келганларга ўз ҳисобларидан уржо (стипендия) тўлаганлар. Мамараим аканинг хомчўтига кўра, саксон йил давомида 6 та фан доктори, 15 фан номзоди, йирик давлат арбоблари, таниқли шифокорлар, миллий ғоямизнинг етакчилари етишиб чиққан.

Мамараим ака, айтиб ўтганимиздек, ҳозир 66-, яъни туманнинг энг кенжа мактабига директорлик қиляпти. Ғоя, мақсад аниқ — шу кенжа даргоҳни ҳам 1-мактаб нуфузига кўтариш. Эртага ахир фалончи фидойи инсонлар 66-мактабнинг учирмалари, Бойқуловнинг шогирдлари деган овоза ёйилса, бундан да зиёд бахт, фахр, ғурур борми?

Бойқулов асли Шерободнинг Пошхурт, қишлоғидан. Пошхурт биласиз, машҳур рассом Рўзи Чориев туғилган тупроқ. Рўзи Чориев, Ўзбекистон халқ артисти Абдираҳмон Раҳматов, ёзувчи Нодир Норматов, Шероборнинг муаррихи Мамараим акалар кўприк бўлиб, Пошхурт донгдор ижодкорлар, маърифатчиларнинг қўналғасига айланди. Оддий тоғ қишлоғи оламга танилди.

Дарвоқе, Мамараим ака ғояни ўтмиш ва келажак соҳилларига ўрнатилган кўприк деб ҳам тушунади. Бу кўприкнинг устунлари ёлғонларни, мунофиқликларни, майда-чуйда манфаатларни хоҳламайди, кўтармайди. Қадамлари қийшиқ, ниятлари ноқис, суханлари ясама, фикрлари фосиқлар бу кўприкка оғирлик қилади.

Эртанги куннинг яшнаб-порлаб турган соҳиллари ўзининг орзу дарахтларига гард қўндирмайдиганларгагина насиб бўлар.

Мен Бойқуловга яна Фолкин тоғанинг гапини эслатаман. Даъватларингизга бошқаларни қандай қилиб тез ишонтира оласиз, деб сўрайман.

Бойқулов кўзойнагини қўлига олиб кулади. «Бандасининг тўғри сўзига, тўғрилигига Аллоҳ таоло ишонганида, биродари ишонмайдими» дейди. Сўнг соатига қараб қўяди.

Бойқуловнинг хаёлидан мактабга боришим керак, деган гап кечганини сезаман.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қарши шаҳрида мактаб дарсликлари ва ўқув-методик қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаси иш бошлади.

Кўргазмада — мактаб дарсликлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумтаълим мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ республика Матбуот ва ахборот агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Ўзкитобсавдо» давлат акционерлик компанияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилган бу кўргазмадан кўзланган мақсад 2007-2008 ўқув йилида ўқувчиларга етказиб бериладиган дарсликларнинг ҳар жиҳатдан мукаммал бўлишига эришишдан иборатдир.

Кўргазмада «Ўқитувчи», «Чўлпон», «Ғафур Ғулом», «Маънавият» нашриётлари, «Шарқ» концерни ўзлари босмага тайёрлаган дарсликларнинг намуна нусхалари билан иштирок этмоқда. Бир ой давомида халқ таълими ходимлари, ота-оналар, ўқувчилар кўргазмага қўйилган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг мазмуни, полиграфик ижроси билан танишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб қолдирадилар.

Б.НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Газетамизнинг жорий йил 23 июнь сонида "Тамал зўрми, амал?" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан Андижон вилоят прокурори Б.Деҳқонов имзоси билан расмий жавоб олдик.

«Халқ сўзи» назоратида

Жиноят иши қўзғатилди

Аниқланишича, мақолада таъкидланган қурилиш ташкилотларини инвестиция киритиш шарти билан бепул бериш бўйича 2004 йилнинг 28 июнь ва 12 октябрь кунлари вилоят тендер комиссияси томонидан ўтказилган танлов натижалари тендер ўтказиш қоидаларига амал қилинмаганлиги учун суднинг ҳал қилув қарорлари асосида бекор қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармаси бошлиғининг 25.12.2005 йилдаги буйруғи билан бошлиқ ўринбосари М.Юнусов ва хусусийлаштириш бўлими ходими Ш.Ворисовлар интизомий жавобгарликка тортилган, хусусийлаштириш бўлими бошлиғи К.Мамадалиев эса эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган.

Ҳолат юзасидан вилоят прокуратураси томонидан 09.08.2006 йилда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми (мансабга совуққонлик билан қараш), 209-моддаси 1-қисми (мансаб сохтакорлиги) билан жиноят иши қўзғатилиб, вилоят прокуратурасининг иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ЖАҲОН 24 соат ичида



Расмий Пхеньян олти томонлама музокаралар тикланган тақдирда ҳам мамлакат ўзининг ядровий дастуридан воз кечмайди. Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазири ўринбосари Кан Сок Чу баёнот берди. Бундан олдинроқ Шимолий Корея раҳбарияти олти томонлама музокараларни тиклашга рози бўлганди, ҳатто, маслаҳатлашувлар жорий йилнинг декабрь ойидаёқ бошланиши кутилаётганди.

Бироқ Япония ҳукумати музокараларни бошламасданоқ расмий Пхеньянга ядро дастуридан тўлиқ воз кечиш юзасидан ўз шартларини маълум қилди. Расмий Токио вакили мана шу шартга Шимолий Корея рози бўлсагина, Япония музокараларда қатнашиши мумкинлигини билдирди.

Эслатиб ўтамиз, бундан бир йил муқаддам олти томонлама ўтказилган музокаралар боши берк кўчага кириб қолганди.

Шу йил 19 ноябрь куни Тожикистондаги руслар жамоасининг раиси В.И.Юшин раҳбарлигидаги делегация Москва шаҳридаги авлиё Никола черковига ташриф буюрди, деб хабар беради Тожикистоннинг «Авеста» интернет-сайти.

Черковдаги катта ибодат чоғида делегация вакилларининг Тожикистонда истиқомат қилувчи русларга ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги алоҳида илтимослари эълон қилинди ва маросим якунланганидан сўнг улар учун хайр-эҳсон тўпланди. Юшиннинг сўзларига қараганда, 1990 йилларга қадар Тожикистонда яшаб келган 500 минг кишидан иборат рус миллатига мансуб аҳолидан ҳозир атиги 20 минг нафарга яқин киши қолган. Бугунги кунда ҳукумат идораларида ушбу миллат вакиллари деярли йўқ.

Юшин Тожикистонга нисбатан визасиз тартиб жорий этилгани ва ушбу мамлакат ҳудудидан Россия чегарачиларининг олиб чиқиб кетилганини танқид қилар экан, шу боис ҳам Россиядаги тожиклар миқдори 1 миллион нафардан ошиб кетгани ва бу ерга кириб келаётган гиёҳвандлик моддалари оқими эса 10 баробар кўпайганини қайд этди. Унинг фирича, Тожикистонда яшовчи русларга ёрдам бериш шаклларидан бири — бу Россия томонидан берилаётган кредитлардан муайян фоизнинг уларга улуш сифатида белгиланишидир.

ALCATEL

Франциянинг телекоммуникацион технологиялар ишлаб чиқарувчи дунёга машҳур «Алкател» компанияси «Microsoft»ни айблаб чиқди. Компания вакилининг таъкидлашича, «Microsoft» «Алкател»нинг камида еттита патентидан фойдаланиб келган. Мазкур иш юзасидан даъвоаризаси шарқий Техас минтақавий судига берилди. Бироқ компаниянинг қайси ҳуқуқлари поймол этилгани ҳақидаги тафсилотлар ҳозирча сир тутилмоқда.

«Алкател» вакили Стефан Лаперад ўзининг компанияси «Microsoft»дан суд орқали катта миқдорда товон пули ундириб олмоқчи. «Microsoft» раҳбарияти ҳозирча бу ҳақда изоҳ бергани йўқ. «Microsoft» ҳуқуқшуноси Лу Геллос мазкур даъво икки компания ўртасида анчадан бўён «Lucent Technologies Ltd»га эгалик қилиш учун давом этиб келаётган баҳснинг навбатдагиси бўлиши мумкинлигига шаъма қилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ислоҳот — инсон учун

Автотранспорт тармоғининг юрт иқтисодиёти ривожида ўзига хос ҳиссаси бор. «Нефтгазавтотрансхизмат» унитар корхонаси фаолияти бунга мисол бўла олади. Бу хусусда фикр юритишдан аввал «Бухорогазсаноатқурилиш» трестига қарашли ушбу корхона жойлашган Когон шаҳри ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтсак.

Қаторда норинг бўлса...

Гап шундаки, вилоят марказидан унча узоқ бўлмаган бу шаҳар тобора кўркамлашиб, янгича қиёфа касб этмоқда. Когон ҳам энига, ҳам бўйига кенгайиб бормоқда. Шаҳар аҳли тарихий илмининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг пири устози ҳазрат Мир Кулол мақбаралари шу заминда жойлашгани билан дилдан ғурурланадилар. Йилнинг бирор кунида ҳам бу ердан зиёрат қилишга интилаётган инсонларнинг оёғи узилмайди.

Ана шу шаҳарнинг аҳолиси ва меҳмонларига хизмат кўрсатувчи унитар корхона бундан 4-5 йил илгари иқтисодий жиҳатдан чўкиб, бўғзигача қарзга ботган эди. Жамоани оёққа турғазиш осон кечмади, албатта. Бунга уйғоқ, ишчан ва ташаббускор янги раҳбарнинг саъй-ҳаракатлари туфайли эришилди, десак, муболаға бўлмас. Ҳақиқатан ҳам, Юртбошимиз таъкидлаганидек, халқимизни олижаноб, ҳар томонлама хайрли ташаббусларга бошлаш учун фақатгина битта нарса керак. У ҳам бўлса, раҳбарларнинг, етакчиларнинг уйғониши, юртимизни обод этиш, турмушимизни озгина бўлса ҳам енгил қилиш учун фидойилик кўрсатиши, жон куйдириши керак.

Дастлаб икки-уч корхонада бой тажриба тўплаган Ғулом Ибрагимов биринчи кунлардаёқ зиммасидаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда елиб-югуриб ишга киришди. Аввало, корхонадаги қолоқлик сабабларини чуқур таҳлил этиб, камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этишга, ходимларни ижтимоий ҳимоялашга эътибор қаратди. «Жамоада ким қайси касбда, қайси вазифада ишлашидан қатъи назар, у меҳнати билан ўзини кўрсатсин» дейилган талаб ўртага қўйилди. Натижада ишда ўзгариш кўзга ташлана бошлади.

* * *

Корхонанинг хизмат кўрсатиш доираси ниҳоятда кенг. Бир мисол. Жамоа ҳайдовчилари «Кемачи» газ конини ўзлаштиришда, «Шўртангазкимё» комплексини барпо этишда, «Зеварда» компрессор станцияси, Қарши шаҳридаги марказий стадион қурилишида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилган бўлсалар, бугун улар Оролбўйидаги «Мўйноқ-Сунгил» автойўл трассаси, Муборак газни қайта ишлаш заводининг иккинчи навбати, Муборак компрессор станцияси қурилиши, «Бойсун-Шеробод» ва «Учқур-Дояхотин» газ тармоқлари, Газлидаги 765 ўринли замонавий мактаб биносини барпо этишда фаол қатнашмоқдалар.

Аниқроғи, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида улар томонидан 3,3 млрд. сўмлик иш бажарилди. Унинг 3,2 млрд. сўмини юк ташиш ишлари ташкил этади. Пировардида соф фойда 263,7 млн. сўмни ташкил этиб, аввалги йилдагига нисбатан 33 фоиз кўпайди. Пуллик хизмат кўрсатиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш борасидаги ютуқлар ҳам салмоқли.

Энди мана бу рақамларга эътибор беринг. Агар 2004 йилда бир ходимнинг ойлик иш ҳақи ўртача 42,8 минг сўм бўлган бўлса, бултур бу кўрсаткич 60 минг сўмдан ошди. Қўшимча рағбатлантиришу мукофот пуллари, озиқ-овқатлар учун бериладиган тўловлар ҳам ҳисобга олинса, уларнинг ойлик даромадлари 160-200 минг сўмдан кам бўлмайди.

Эришилган ютуқларнинг сири нимада, деган саволимизга Ғулом Баротович шундай жавоб қайтарди:

— Биринчи галда, биз, асосий эътиборни инсон омилига қаратаяпмиз. Масалан, 2004 йилда кўп болали ва кам таъминланган оила етакчиларига салкам 500 минг сўмдан, кейинги йили эса 800 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Қолаверса, ишчи-хизматчиларимиз қаерда ишламасинлар, улар кунига 3 маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланади, ноқулай иш шароитларида меҳнат қилувчиларга эса қўшимча тарзда сутқатиқ маҳсулотлари етказиб берилади. Яна бир гап. Бултур ходимларга 9 млн. 465 минг сўмлик махсус кийим-кечаклар тортиқ қилинди, меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадига салкам 10-14 млн. сўм маблағ сарфланди. Биз корхонага борган кунимиз оддий ҳайдовчи И.Раҳимовнинг хонадонида тўй бўлаётган экан. Тўйхонада жамоа аъзолари жамул-жам. Мезбон эса ўз ҳурмати жойига қўйилганидан беҳад миннатдор.

Маълум бўлишича, Ғулом Ибрагимов жамоа аъзоларининг яхши кунларида ҳам, ёмон кунларида ҳам улар билан мудом ёнма-ён туради, илиқ гапию далдаси билан ҳар бирига хайрихоҳ бўлишга интилар экан. Бундай раҳбарнинг оти марра кўриши, улоқни дадил олиб чиқишига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Бугунги кунда «Нефтгазавтотрансхизмат» унитар корхонаси меҳнат аҳли яратиш, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида кўплаб бунёдкорлик объектларида ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар.

Усмон НАВРЎЗ,
журналист.
Бухоро вилояти.

Бўлак яхши ном истама, шул етар,
Сени яхши одам деса эл агар.
САЪДИЙ.

МАЗ
МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ
амкодор

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

BELARUS
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL
Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

IPOTEKA BANK
Капиталингиз кўпайишига имконият яратамиз

	Омонат муддати	Йиллик фоиз миқдори
Олтин куз омонати	15 кун	18 фоиз
Семурғ омонати	1 ой	18 фоиз
Диёр омонати	45 кун	18 фоиз
Фазо омонати*	3 ой	18 фоиз

* 3 ойлик муддат тугагандан сўнг, омонатчи томонидан омонат қайтариб олинмаса, кейинги 6 ой, 9 ой ва 12 ой муддат учун омонатчига ушбу муддатларга мос равишда мукофот бериш кўзда тутилган.

Ҳар 3 ойлик муддат тугамасдан қайтариб олинган омонат суммасига талаб қилиб олгунча омонатининг фоизи миқдорида тўланади.

Маълумот учун телефонлар:
(8-371) 132-13-18,
(8-371) 133-91-21.

info@ipotekabank.uz
www.ipotekabank.uz

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш фонди томонидан кафолатланган.

Хизматлар лицензияланган.

OPEN
ТАРИФ РЕЖАСИ

БАРЧА КИРУВЧИ ҚЎНҒИРОҚЛАР
БЕПУЛ

АБОНЕНТ ТЎЛОВИ
$30 (ойига)

МТС абонентлари учун:
- Халқаро роуминг хизмати Босния ва Герцеговинада (MOBI'S) ва Монголияда (MobiCom) ишга туширилди.
- Тармоқ кенгайиши давом этмоқда! Қўшимча 9 янги база станциялари Сурхондарё (Тўпаланг, Шаргун), Жиззах (Дўвлат, Уйлуқма, Қорабоғонали, Баландчақир), Сирдарё (Сирдарё ш., Оқолтин), Навоий (Бесапан) вилоятларида ишга туширилди.

Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
Нархларга барча солиқлар киритилган.
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Ўздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади.
Хизматлар лицензияланган.

МТС

Боқий мерос



Маълумки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ўзининг техник ҳамкорлик дастурлари ва "Япония халқаро ҳамкорлик кўнгиллилари", шунингдек, турли ўқув дастурларининг амалдаги ифодасига бағишлаб учрашувлар, матбуот анжуманлари уюштириб туради. Шу йилнинг февралида журналистлар Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги кўнгиллилар фаолияти билан танишиб, JICAнинг моддий қўллаб-қувватлаши ва кўмаги билан амалга оширилаётган ишлардан воқиф бўлган эдилар. Журналистларнинг бу галги ташрифи бундан бир неча кун аввал Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаган Хоразм воҳасига бўлди.



Осмон остидаги жавоҳир

Бу ерда японияник икки кўнгилли — Фужита Ариса ва Масахару Шибуя фаолият кўрсатаётир. Фужита — вилоят онкология диспансерида ҳамшира бўлиб ишлаётган бўлса, Масахару — Хивадаги Бизнес ва туризмни ривожлантириш марказида мутахассис.

— Мансурбек (Масахару) биз билан ишлаётганидан буён Японияданд Хоразм вилоятига келувчи сайёҳлар сони анча ошди, — дейди Бизнес ва туризмни ривожлантириш маркази раҳбари Одилбек Раҳимов. — Мамлакатимизга келаётган сайёҳлар оқимини ўтган йилгиси билан солиштирилганда, бу нарса яққол кўзга ташланади. Бунда Масахару Шибуянинг муносиб хизматлари бор.

Хивани мамлакатимиз меъморлик санъатини ўзида мужассам этган осмон остидаги музей деб аташади. Биз уни осмон остидаги жавоҳир, дегимиз келди. Умумий майдони 26 гектар бўлган Ичон Қалъа ва 56 гектарлик Дишон Қалъа ёдгорликлари бўлган Хивага илк бора келган киши эртаклар оламига тушиб қолгандай сезади ўзини. Қалъалар, миноралар, ғиштин айвонлар... Бир томонда атласу адрас тўқиётган ҳунармандга кўзингиз тушса, иккинчи томонда турфа ўйинчоғу қўғирчоқ ясаётган усталарга дуч келасиз. Инсон қўлининг яратувчанлигига яна бир бор иймон келтирасиз.

— Хива ўз тарихи давомида неча-неча хонларни кўрмади дейсиз, — дейди Ичон Қалъа музей-қўриқхонаси директори Ботир Давлетов.— Уларнинг баъзилари мамлакат ободлиги билан шуғулланган. Кўк минор Муҳаммад Аминхон билан боғлиқ бўлса, қарийб 36 кунда қуриб битказилган ташқи қалъа Оллоқулихон номи билан боғлиқ... Энг асосийси, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ Хива мамлакатимиз раҳбари эътиборига тушди. Истиқлол йилларида Ичон Қалъани музей-қўриқхона сифатида эътироф этиш, шаҳарда туризмни ривожлантириш, Хива ёдгорликларини дунёга танитиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жорий йилда Хивада, айнан Ичон Қалъа архитектура ёдгорлиги ҳудудида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейи тантаналари ўтказилди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг иштирок этиши барча хоразмликлар кўнглини фахр ва ғурурга тўлдирди.

Хоразм сафари давомида барчани лол қолдирган нарса вилоятдаги тарихий обидаларнинг ободлигию алломалар шарафига бунёд этилган боғларнинг кўркамлиги бўлди. Мангуберди боғи, Авесто боғи, ал-Хоразмий боғи... Ушбу боғлар доимо зиёратчилар билан гавжум.

— Маъмун академиясининг 1000 йиллиги тантаналарига ер юзининг кўплаб давлатларидан меҳмонлар келишди, — дейди вилоят ҳокимлиги мутахассиси Зафарбек Очилов. — Ишончимиз комилки, дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган улуғ алломаларимиз ва уларнинг киндик қони тўкилган тупроқ янада обод бўлади.

Шу улуғ тўй кунларида Халқаро JICA агентлиги кўмагида Хоразм воҳаси бўйлаб саёҳат ташкил этилди. Саёҳат давомида вилоят Онкология диспансерида учрашув, Бизнес ва туризмни ривожлантириш марказида матбуот анжумани, шунингдек, Урганч Давлат университетида "Сиз Японияни биласизми?" деб номланган кўргазма ҳам уюштирилди.

... Ривоят қилишларича, бадавлат бир киши умри поёнига етаётганини англаб, уч ўғлини ёнига чорлабди ва уларга катта миқдорда маблағ берибди. "Сизларга уч ой муҳлат. Шу муддат мобайнида мен берган пулларга шундай қаср қурингларки, ҳамманинг ҳаваси келсин. Энг яхши қаср эгасига бутун меросимни қолдираман", дебди. Йигитлар ота васиятини бажариш учун сафарга чиқишибди. Айтилган муддат тугагач, ўғиллар ота ҳузурига қайтиб келишибди. Қасрларни кўрмоқ учун ота фарзандлари ҳамроҳлигида йўлга чиқибди. Иттифоқо бир қасрга дуч келишибди. Бино шу қадар гўзал эканки, таърифлашга сўз ожиз эмиш. Бу катта ўғил қурган қаср экан. Ота-ўғиллар бу ерда уч кун яшамаёқ зерикиб қолишибди ва иккинчи ўғилнинг санъатини кўрмоқ умидида яна йўлга отланишибди. Иккинчи қаср аввалгисидан-да дабдабалироқ экан. Бироқ бу ерда ҳам уларни ҳеч ким кутиб олмабди ва кузатмабди. Гал кичик ўғил бунёд этган қасрга келибди. Улар кечки пайт айтилган манзилга етиб келишгач, қишлоқ аҳли мамнуният билан кутиб олибди. Араваларидан тушар-тушмас, меҳмонга таклиф қилишибди. Меҳмоннавозлик билан кунлар ўтиб кетаяпти ҳамки, қаср кўринмасмиш.

— Меҳмондорчилик етар, укам қурган қасрни қачон кўрамиз, — дебди катта ўғил. Бироқ ота кенжанинг елкасига қоқиб, "Баракалла ўғлим, менинг кўнглимдагини фақат сенгина англабсан. Кичкинагина кулбанг атрофида дўстлик қасрини бунёд эта олибсан. Дўстларсиз, яхши инсонларсиз ҳар қандай қаср ҳам вайрона эканини англаб етибсан", дебди.

Қиссадан қисса шуки, дунёда дўстлик ва биродарликдан-да қутлуғ қўрғон йўқ. Назаримизда, Халқаро JICA агентлиги ҳам ана шундай дўстлик қўрғонини бунёд этишга баҳоли қудрат ҳисса қўшаётир.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

МУСТАҚИЛЛИК СЕВИНЧЛАРИ

Миллий матбуот марказида «Иқтидорлар бешигисан, она юрт!» номи билан 15-16 ёшли уч нафар ижодкор қизларнинг илк асари тақдимоти бўлди

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов Истиқлолни қутлаб, Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин, Ўзбекнинг ўз уруғин экканлиги рост бўлсин, деган сатрлар битган эди.

Ўн беш — ўн олти ёшида бири публицистик, иккинчиси шеърий китобларини чоп эттиришга улгурган публицист ва шоира, учинчиси шахсий кўргазмасини намойиш этишга муваффақ бўлган дизайнер қизларнинг «ярқ» этган ижоди, шубҳасиз, улуғ шоиримиз айтган ўша уруғларнинг бугун униб чиққанидан нишонадир. Рост, ўзбек эли ўтган минг йиллар қаърида ҳам илми ва ижоди билан жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган алломалари билан таниқли, айни пайтда, Мустақиллик ва бугун Президентимиз ҳамда ҳукуматнинг ёшларга ўзгача ғамхўрлиги ҳосиласи ўлароқ иқтидорлар тобора кўпайиб ва «ёшариб» бормоқда.

Бу учала қизимиз — Камола Шарафиддинова, Гулноза Каримова, Мафтуна Ғаниева ижтимоий йўналишдаги республика махсус гимназиясининг 8-10 синф ўқувчилари. Олдиндан шуни таъкидлаш жоизки, тақдимот маросимида сўзга чиққан гимназия директори Гуландом Субҳонованинг фахр билан айтишича, ушбу ўқув даргоҳи битирувчиларининг 96-97 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга киришни уддалашаяпти...

Тақдимот маросимини севимли шоира Умида Абдуазимова кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ижодкор ниҳолларни илк китоблари билан табриклаб, уларга сермашаққат ва серзавқ ижод оламида оқ йўл тилади: Камола 15 ёш, хаёлга нима келади, Мустақиллик тенгдоши деган гап келади. Бу қизалоқлар — Мустақиллик севинчлари!

Камола Шарофиддинова публицистика ва эсселардан иборат тўпламини «Мен бобомга сўз берганман» деб номлабди. Бобоси — таниқли адабиётшунос олим, ўзбекнинг талантли кўп ёзувчи ва шоирларининг ҳурматли устози, иймон ва эътиқоди бутун публицист, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофиддинов. У киши Абдулла Ориповнинг илк шеърлар тўпламига «Оқ йўл» ёзиб берган эканлар, Камоланинг биринчи китобига Абдулла ака «Оқ йўл» ёзибдилар...

Тақдимотда сўзга чиққан «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг раиси Амирқул Каримов шоира Гулноза Каримованинг китобидаги шеърлар таҳлилига батафсил тўхталди.

Мафтуна Ғаниева, ўзининг айтишича, момосининг ижодини давом эттириб, каштачиликни, ўзбек миллий либосларини миллий ва замонавий анъаналарни уйғунлаштириш орқали такомиллаштиришни — ижодининг бош мавзуси қилиб олибди. Унинг яратган рангбаранг янги моделлари синфдошлари эгнида саҳнада намойиш этилганида, гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди...

Ҳ.ОЛИМЖОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДСҚ Ахборот хизмати хабар қилади

«КамАЗ»даги ноқонуний ичимликлар

Қоровулбозор тумани Давлат солиқ инспекцияси ва йўл-патрул хизмати ходимлари этил спирти, алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний тайёрлаб сотиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида «Қарши-Бухоро» йўлида қўшма рейд ўтказдилар. Шу жараёнда бир-бирига йўл бермай келаётган иккита «КамАЗ» автомашинаси эътиборни ўзига тортди.

Автомашиналар тўхтатилиб, юкхоналари кўздан кечирилганда, улар Денов туманидаги «Ҳумо» хусусий фирмасидан ортилган 8,4 миллион сўмлик 24 минг литр «Портвейн» виносини Навоий туманидаги «Настар-Навоий» фирмасига олиб кетаётганликлари маълум бўлди. Винонинг ҳужжати ҳам, акциз маркаси ҳам йўқ эди. Бу ҳолатда жиноят аломатлари мавжудлиги учун тузилган далолатнома туман прокуратурасига юборилди.

Тўпланган ҳужжатлар асосида «Ҳумо» фирмасига нисбатан Жиноят Кодексининг 189-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Ҳозир тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

MANAGEMENT CONSULTING
Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш
ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 220 00) халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш
ISO 9001
Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.
Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатилади.
Компания мижозлари:
• «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
• «Муборакнефтгаз» УШК
• «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
• «Қашқадарёгазсаноаткурилиш» ОАЖ
• «Rubicon Wireles Communication» ҚК
• «УзДонгВон КО» ҚК
• «UZEXIDE» КК
• «АВТООЙНА» ОАЖ
• «ТАТ-Реестр» МЧЖ
• «Vinlad» ИИК ва бошқалар.
Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 340-54-27.
Факс: (+99871) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

Спорт

Яна саноқли кунлардан сўнг Қатар пойтахти Дохада XV Осиё ўйинлари бошланади. Ушбу нуфузли мусобақада қатнашадиган 23 ёшгача бўлган футболчилардан тузилган терма жамоамиз кеча Дохага учиб кетди.

Осиё ўйинлари олдидан

15TH ASIAN GAMES DOHA 2006

Рауф Инилеев бошчилигидаги ёш футболчиларимиз қитъанинг йирик мусобақасига қизғин ҳозирлик кўрди. Ҳамюртларимиз сўнгги тайёргарлик машғулотлари жараёнида Эстония клублар терма жамоасига қарши иккита ўртоқлик учрашуви ўтказди. Биринчи ўйинда вакилларимиз 2:1 ҳисобида ғалаба қозонганди. Сафар олдидан ўтказилган жавоб учрашувида 1:1 дуранг натижа қайд этилди.

Мусобақа сўнггида уюштирилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, футболчиларимиз мусобақада совринли ўринлар учун кураш олиб боради. Бош мураббий Р. Инилеев ҳам шогрдлари ўйинидан кўнгли тўлганлигини айтди. Асрор Алиқулов, Сервер Жепаров, Тимур Копадзе, Марат Бикмаев, Нодирбек Қўзибоев, Ислом Иномов, Илдор Магдеев, Носир Отақўзиев каби кўплаб иқтидорли футболчилардан иборат терма жамоамиздан фақат ғалабалар кутишга ҳақлимиз. Йигитларимиз бундан ўн йил муқаддам Япония майдонларида эришилган тарихий муваффақиятни такрорлай олармикан?. Бу саволга жавоб топишга жуда оз кунлар қолди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Навоий полвонларни чорлайди

Навоий шаҳрида 24-26 ноябрь кунлари миллий курашимиз бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон кубоги мусобақасига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етай деб қолди.

Энг замонавий услубда бунёд этилган спорт кошоналари полвонларимизга мунтазир.

* * *

Шунингдек, 1-4 декабрь кунлари Польша давлатининг Аполе шаҳрида Ўзбекистон, Польша ва Германия давлатлари полвонлари ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтади. Польша давлатининг таклифи билан ташкил этилаётган учрашув курашимизнинг хорижий давлатларда янада оммалашувига омил бўлади. Ўртоқлик учрашуви доирасида ҳакамлар семинари ҳам ўтказилиши кўзда тутилган.

Баҳриддин САДРИДДИНОВ.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS
АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА
ГАЗ-31105, «ВОЛГА»
ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли
ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли
ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли
ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан копланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли
ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи
ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА
ГАЗ-3307 Автоэвакуатор
ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли
700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz
ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан копланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.
ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг судьяси

Сагинтай Абдукаликович ТАЖИДИНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги жамоаси вазирликнинг бўлим бошлиғи ўринбосари Савронбек Мавлановга акаси

Жавлон МАВЛАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси жамоаси «Ўзбекистон почтаси» ДАК бош директорининг биринчи ўринбосари Сувон Нажбитдиновга онаси

ҲОКИМА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1357. 21071 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.00 23456